

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакесва Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Сайнова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доцент,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

23. Berdiyev A.A. BUXORO AMIRLIGINING XVIII- XIX ASRLARDA TASHQI SAVDOSI VA DIPLOMATIK ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR.....	198
24. Ботиров Э. МУҒУЛЛАРДАН ТЕМУРИЙЛАРГАЧА: БОЖХОНА ВА БОЖ СОЛИҚЛАРИ ТАРИХИДАН.....	208
25. Валихонова Г. К. РУС САЙЁҲЛАРИ ВА ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА МУНОСАБАТЛАРИ.....	214
26. Ганиева Ч.Х. МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА МАДАНИЙ-ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	220
27. Давлатова Ш. АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИ ҲАҚИДАГИ МАНБА.....	227
28. Ёдгоров З.Ш. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ.....	233
29. Жахонов Т. ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ КУШОНЛАР ШАҲАРСОЗЛИГИНИ ЎРГАНИЛИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (XX аср 70-йилларига қадар).....	239
30. Жўраев А. ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	244
31. Zupunova G. ONALIK MAROSIMI: TOSHKENT TATARLARINING QARASHLARI VA E'TIQODLARI.....	249
32. Инатов М.Н. XX АСР 20-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	261
33. Кариева Н.А. РОССИЯ ИМПЕРАТОРЛИГИ ЖАМИЯТИ АЪЗОСИ Н.А.СЕВЕРЦОВНИНГ ТУРКИСТОН ҲУДУДИДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	269

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


34.Канимкулов О.Ш. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ҲАМДА АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯҲЁ ФУЛОМОВ ХИЗМАТЛАРИ.....	278
35.Камолов Ж.М. ЭФТАЛИТЛАР ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИГИ.....	286
36.Курязова Д. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ....	292
37.Қурбонов Ф.Н., Шоев И.Х. БУХОРО ДАВЛАТ МУЗЕЙ - КЎРИҚХОНАСИ ЖАМЛАНМАСИДАГИ ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДАВРГА ОИД ТАНГАЛАР ВА ТАНГА ХАЗИНАЛАРИ (НУМИЗМАТИК ТАҲЛИЛ).....	299
38.Исматова Н.К. ЯНГИЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР (1989-2020 йиллар).....	307
39.Исматуллаев Ф.О. ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	319
40.Кадирова М.Т. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.....	329
41.Каромов Ф.Ҳ. ТУРКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.....	334
42.Мажидов Ш.Ф. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ЭТНОСИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ: ЕИ ТАЖРИБАСИ (2000-ЙИЛЛАР БОШИ).....	340
43.Мамадаминова Б. ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....	345
44.Mattiyev O'.B. TURKISTONDAGI AFG'ON MUHOJIRLARI FAOLIYATINING GENERAL GUBERNATORLIK DAVRI HUIJATLARIDA YORITILISHI.....	353

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Жўраев Алишер,
Наманган давлат университети ўқитувчиси

ЎЗМА МАНБАЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

For citation: Juraev Alisher. THE HISTORY OF UZBEK STATEHOOD IN WRITTEN SOURCES. Look to the past. 2020, SI, pp. 244-248

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-30>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек давлатчилигининг шаклланиш тарихи, Ўрта Осиё хуудларидаги давлат уюшмалари ҳақида ёзма манбалар асосидаги илмий хулосалар таҳлилий ёндашилган ҳолда ёритиб берилган.

Калит сўзлар: давлатчилик тарихи, давлат уюшмалари, ижтимоий табақалар, маъмурий ҳудудий бирлик, маданиятлар, қадриятлар, миллат, давлат, "Авесто".

Джураев Алишер,
преподаватель Наманганского
государственного университета

ИСТОРИЯ УЗБЕКСКОЙ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ В ПИСЬМЕННЫХ ИСТОЧНИКАХ

АННОТАЦИЯ

В статье представлен аналитический подход к истории узбекской государственности, сделаны научные выводы на основе письменных источников о государственных объединениях в Центрально-Азиатском регионе.

Ключевые слова: история государственности, государственные объединения, социальные слои, административно-территориальная единица, культуры, ценности, нация, государство, "Авесто".

Juraev Alisher,
Namangan teacher state university

THE HISTORY OF UZBEK STATEHOOD IN WRITTEN SOURCES

ABSTRACT

The article presents the analytical approach to the history of state formation, scientific conclusions based on written sources about state associations in the Central Asian region.

Index Terms: history of statehood, state associations, social strata, administrative-territorial unit, cultures, values, nation, state, Avesto.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги кунгача давлат икки хил ёндашув асосида ўрганилиб келинганлиги аён. Яъни, авваломбор - унга сиёсий ҳокимият институти, иккинчидан эса, тегишли маъмурий-ҳудудий кенгликда истиқомат қилувчи жамият аъзоларининг хавфсизлиги, фаровонлиги ҳамда тадрижийлигини таъминлашга жавобгар сиёсий ташкилот сифатида қаралиб келинган. Оқибатда давлат асосан юридик, давлатчилик ҳамда кейинчалик сиёсий тадқиқотлар предмети, деб қаралди.

2. Методлар:

Мақола умум қабул қилинган методлар, яъни тарихийлик, қиёсий-манتيқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўрта Осиёдаги дастлабки давлат уюшмалари ҳақидаги ёзма манбалар - зардуштийларнинг муқаддас диний китоби "Авесто", аҳмонийлар даври миххат ёзувлари, юнон-рим тарихчиларининг асарлари ҳисобланади. "Авесто" маълумотлари Геродот ва Гекатей асарлари ("Катта Хоразм"), шунингдек, Ктесийнинг қадимги Бақтрия подшолиги ҳақидаги маълумотлари ва археологик тадқиқотлар натижалари Ўрта Осиёда илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши муаммоларини ўрганиш учун асос бўлган бўлишига қарамасдан, қадимги давлатлар ҳудудлари, шакллари, бошқарув тизими билан боғлиқ бўлган мавзуларнинг айрим йўналишлари ҳамон илмий баҳсларга сабаб бўлмоқда. Аслида археологик маълумотлар ёзма манбалар маълумотларини кенгайтиради, уларга аниқлик киритади, тарихий тараққиётнинг аниқ йўналишларини кўрсатиб, маълум давр ҳақидаги тасаввурларни янада бойитади.

Масалан, давлатчилик пайдо бўлишининг муҳим белгиларидан бири бўлган жамиятнинг ижтимоий табақаларга бўлинишини "Авесто"да ҳам кўриш мумкин. Яъни, ўша даврда жамият қуйидаги тўртта табақага бўлинган: 1) коҳинлар; 2) ҳарбийлар; 3) деҳқон-чорвадорлар; 4) ҳунармандлар.

Жамиятнинг бошқарув тартиби ҳақида Авестода келтирилишича, орийлар ўлкаси қуйидаги тўртта маъмурий ҳудудий бирликка бўлинган: 1-патриархал оилага тегишли бўлган турар-жойлар (нмана); 2-қишлоқлар (вис); 3- туманлар (занту); 4-вилоят - ўлка (дахю). Ушбу бирликларнинг ҳар бири ўз йўлбошчисига эга бўлган: 1-нманпати (уй бошлиғи); 2-виспати (қишлоқ бошлиғи); 3-зантупати (туман оқсоқоли); 4-дахюпати (вилоят -ўлка йўлбошчиси).

Энг йирик уюшма "дахюсасти" (вилоятлар устидан ҳукмронлик ёки вилоятлар уюшмаси) эди. Бундай уюшманинг ҳукмдори "бутун дахюлар дахюпатиси" деб аталган. Авестода шунингдек, "кави", "састар" ва "хшатра" каби бошқарув билан боғлиқ бўлган унвонлар ҳам учрайди. Бу унвон нафақат катта ўлкалар подшолари, балки кичик мулклар ҳукмдорларига ҳам берилган. Қалғалар, туманлар ва вилоятлар

ҳукмдорлари "Састар" унвони билан аталган. "Ҳокимият", "қудрат" маъноларини берувчи "хшатра" унвони тумандан тортиб ўлкалар ҳукмдорларигача берилган.

Қадимги манбаларда Ўрта Осиёдаги энг қадимги давлатлар сифатида "Қадимги Бақтрия" ва "Қадимги Хоразм" ҳақида хабарлар бор. Бизнингча, ана шу қадимги подшоликлар тепасида дахюсасти турган. Аммо дахюсасти қўл остидаги подшолик холи мутлақ ҳоким бўлмай, унинг ҳуқуқлари чекланган. У дахю ҳокимларидан ташкил топган кенгашни бошқаради. Хуллас, дахюсасти "Авесто" даври жамиятида бир неча вилоятларни номинал бирлаштирувчи илк уюшманинг бошлиғи, яъни олий кенгаш раиси ҳисобланган.

Археолог Ю. Буряковнинг тадқиқотларга таяниб, ўзбек давлатчилиги хусусида қуйидагиларнинг баён қилади: "Зардуштийларнинг қадимий мадҳиялари мажмуаси "Авесто"да Чан (Тошкентнинг архаик номи) Қанғҳа тоғининг ортида истиқо-мат қилувчи афсонавий ҳукмдор Афросиёб бошқариб турган қудратли "тур"лар салтанати Турон тасарруфида бўлганлиги зикр этилган ва ўша қадим кезларда "шаҳар", "маданият" иборалари муомалага киритилган" [3,Б.8]. "Авесто" китобида Амударёдан шимолда жойлашган қабила ва элатлар турлар деб аталади. Тур атамасининг асл мазмунига келсак у чорвадор, чорвачилик билан шуғулланувчи қабила ва элатларга нисбат қилиб берилган ном.

"Авесто"нинг дастлабки қисмларидан бири "Бундахишн"да Орол денгизи (Авесто бўйича - Фрахвард) минтақамизнинг жанубида ястаниб ётган осмонўпар тоғлар тизмаси (Авесто бўйича - Хунванд) ва у ерда жойлашган мамлакат (Авесто бўйича - Ганавад) Каспий денгизи [4,С.207-214]дан жанубда жойлашган вилоят (Авесто бўйича - Мазондарон), аҳоли истиқомат қиладиган заминимиздаги етти мамлакат (Авесто бўйича - Кешвар) тилга олиниб, у ерда элатлар бир бутун ва аҳилликда умр кечириши ҳақида маълумотлар келтирилган [5,С. 4].

Илмий адабиётлар асосида ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мил. авв. I минг йилликнинг бошларига келиб, Ўрта Осиёнинг нисбатан ривожланган ҳудудларида илк давлат уюшмалари пайдо бўла бошлайди. Ўрта Осиёда аҳмонийларгача бўлган даврда мавжуд бўлган қуйидаги давлат уюшмалари ҳақида сўз юритади: 1. Арёшаёна - Ўрта Осиёдаги қадимги вилоятларнинг "дахёсасти" уюшмаси; 2. Арёнам Вайжоёки унинг маркази Ария ва Марғиёнада бўлган "Катта Хоразм", ёки Амударёнинг қуйи оқимидаги Хоразм давлати; 3. Қадимги Бақтрия давлати. 4. Кўчманчи қабилалар конфедерацияси шулар жумласидандир.

Илмий изланишлар шундан гувоҳлик берадики, миллоддан аввалги I - мингйилликнинг биринчи ярмида мамлакат ҳудудида, тоғ жинсларини. қайта ишлаш (масалан, темир, олтин, қалайи, қўрғошин ва ҳоказолар), улардан уруш, меҳнат қуроллари яшаш, кулолчилик, тўқувчилик, қурувчилик, заргарлик, кемасозлик каби соҳалар ривож топган. Худди шу даврда узунлиги бир неча ўн километр, эни бир неча ўн метрни ташкил этган каналлар қазилган. Миллоддан аввалги VII-VI асрлардаёқ Хоразмда улкан сунъий суғориш тизимлари ишлаб тургани маълум. Сунъий суғориш ишларининг бу даражада эътиборли бўлганлиги деҳқончиликнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда катта аҳамият касб этганидан гувоҳлик беради. Мазкур давр ижтимоий муносабатларига тўхталадиган бўлсак, "Авесто"да (миллоддан аввалги VIII-VII асрлар) қоҳинлар, ҳарбийлар, деҳқонлар ҳамда ҳунармандлар каби ижтимоий табақалар тилга олинади [8].

Миллоддан аввалги I-мингйилликнинг биринчи ярмига хос яна бир муҳим жиҳат, у ҳам бўлса, ушбу мингйилликнинг VIII-VII асрларида шаҳар

маданиятининг янада тараққий топиб боришидир. Масалан, энг сўнгги маълумотларга қўра, Самарқанд миллодан аввалги VIII-VII асрлардаёқ шаҳар қиёфаси ва мазмунини олиш йўлига кирган эди. Тахминан шу даврда ёки бир оз кечроқ Хива, Бухоро, Термиз, Ҳазорасп, Шаҳрисабз (Каш, Кеш), Қува каби шаҳарлар ҳам асос топа бошлаган. Мазкур жараённинг биз учун аҳамияти шундаки, шаҳарлар тарихи бу, маъмурий-бошқарув, яъни давлатчилик тарихи ҳамдир. Зеро, шаҳар маданиятини унинг бошқарувисиз тасаввур қилиб бўлмайди [8].

Шунингдек, давлат бошқарувида ҳукмдорларнинг салоҳияти ва уларнинг аҳоли фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган сиёсати буюк алломалар ижодида ҳам ўз ифодасини топган.

Давлат ишлари, бошқарув тизими билан боғлиқ қарашлар мужассамлашган асарларнинг бизга маълумларидан энг қадимгилари IX-X асрларга бориб тақалади. Шарқ уйғониш даврининг буюк мутафаккири айнан, IX-X асрларда яшаб, ижод этган Абу Наср Форобий асарларида ҳам давлатчилик тарихи, оқилона давлат тузими, инсоният жамияти ҳақидаги фикрлар келтирилган. Абу Наср Форобийнинг (873-950) "Фозил шаҳар, жоҳил шаҳар, бузуқ шаҳар (адашган шаҳар) ҳақида китоб", "Фозил шаҳар аҳлининг бошланғич қарашлари ҳақида", "Шаҳарни ўрганиш ҳақида китоб", "Миллат (халқ) ва шаҳарни бошқариш ҳуқуқлари тўғрисида сўз", "Аскарларни бошқариш ҳақида сўз", "Шаҳар жамоалари ҳақида китоб", "Умумий бошқариш (сиёсат) китоби" каби асарларида шаҳар ҳокимига талабларни шундай белгилаган: "ҳоким соғ-саломат, фаросатли, ўткир хотирали, зукко, нотик, билимга чанқоқ, барча нарсада нафсини тия оладиган, ҳақиқатпарвар, нафсониятли, молпараст бўлмаслик, адолатпарвар, қатъий ва жасур бўлиши лозим" [8, Б. 9, 17, 40, 50-62, 93-99].

Қорахонийлар саройида хизмат қилган Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарида ҳам амалдорларга шундай талаблар қўйилганини кўриш мумкин. Чунончи, муаллиф вазир оқил, илмли, довюрак, имонли, кўзи тўқ, ҳисоб-китобни пухта эгаллаган бўлиши керак, шундагина ундан элга наф тегади, деб ҳисоблаган. Юсуф Хос Ҳожиб шунингдек, подшоҳлар, лашкарбошилар, элчилар, олимлар, деҳқонлар, савдо аҳли тўғрисида, уларнинг жамиятдаги ўрни хусусида ҳам қимматли фикрларни қолдирган. Мазкур йўналишдаги асарлар сирасига Унсур ал-Маолийнинг "Кобуснома" (XI аср), Низомул мулкнинг "Сиёсатнома", "Дастур ал-вузаро", "Қонун ал-мулук" (XI), Ҳаззалойнинг "Насиҳат ал-мулук" (XI), Амир Темурнинг "Темур тузуклари" (XIV), Ҳамдуллоҳ Муствафийнинг "Нузҳат алқулуб" (XIV), Рузбеҳон Бухорийнинг "Сулук ал-мулук", Хондамирнинг "Дастур ал-вузаро", "Қонуни Ҳумоюн", Қози Ихтиёриддин Турбатийнинг "Ахлоқий Ҳумоюн", Ҳасан мунший Хоқонийнинг "Ахлоқи Ҳакимий", Абул Фазл Алломийнинг "Ойини Акбарий" (XVI), Муҳаммад Боқирхоннинг "Мувазайи Жаҳонгирий" (XVII), Мирза Бади девоннинг "Мажмаъ ал-арқом" (XVIII), Аҳмад Донишнинг "Наводир ал-вақое" (XIX) асарларини ҳам киритиш мумкин [7, Б.16].

Ўзбек давлатчилиги анъаналари ҳақида Ўзбекистон олимларидан ташқари кўплаб Фарб ва Шарқ мамлакатларида ижод қилиб келаётган илм аҳли ҳам муносабат билдирган [3, Б. 50]. Ф.Муҳиддинова "Форобий сиёсий қарашларида "давлат" ва "жамият" тушунчаларини жамиятни бирлаштиришдаги аҳамиятини таҳлил этиб, ўзининг илмий хулосаларини берганлар [5. Б. 17-18].

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб шуни қайд қилиш лозимки, ўзбек халқи тарихининг сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ривожланишини ўрганишда ёзма манбаларнинг ўрни

муҳимлиги, бунда давлатнинг аҳамияти, таъсири, ўрни беқиёс бўлганлигини кўриш мумкин. Изланишлар шуни тасдиқламоқдаки, узоқ йиллик тарихга эга давлатчилигимиз анъаналари ёзма манбалар ва асрларда қайд этилганлиги билан изоҳланади. [12. Б. 147-155].

Иқтибослар/Сноски/References

1. Буряков Ю.Ф. По древним караванным путям Ташкентского оазиса. - Ташкент, 1997. - С. 8. (Buryakov Yu.F. On the ancient caravan routes of the Tashkent oasis. - Tashkent, 1997. - P. 8).
2. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадуғ билиг" асари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1991. - Б. 55. (Tohliiev B. The work of Yusuf Hos Hajib "Kutadug bilg". - Tashkent: Uzbekistan, 1991. - P. 55.)
3. Хайдеггер М. Основные понятия метафизики // Вопросы философии. - 1989. - №9. - С. 116. (Heidegger M. Basic concepts of metaphysics // Questions of philosophy. - 1989. - No. 9. - P. 116.)
4. Жакбаров М.Т. Шарқ Уйғониши ва комил инсон муаммоси. - Тошкент: Фан, 2001. - Б. 50. (Jakbarov M.T. Eastern Renaissance and the Problems of a Perfect Human. - Tashkent: Science, 2001. - P. 50.)
5. Муҳиддинова Ф. А. Абу Наср Форобийнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти: Юридик фанлари номзоди дисс. автореферати. - Тошкент, 2001. - Б. 17-18. (Muhiddinova F. A. Abu Nasr Farabi's Doctrine of State and Law: Candidate of Juridical Sciences diss. autoreferencing. - Tashkent, 2001. - P. 17-18.)
6. Назаров Қ. Шарқ ва Ғарб - илдизлари туташ маъволар // Жаҳон адабиёти. - 2017. - №1. - Б. 147-155. (Nazarov Q. The East and the West - Roots / World Literature // World Literature. - 2017. - No. 1. - P. 147-155.)
7. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадуғ билиг. - Тошкент, 1990. 9, 17, 40, 50-62, 93-99 ва бошқа бетлар. (Yusuf Hos Hojib. Qutadg'u bilig. - Tashkent, 1990. 9, 17, 40, 50-62, 93-99 and other pages.)
8. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. - Тошкент: Шарқ, 2000. - Б.16. (Azamat Ziyu. History of Uzbek statehood. - Tashkent: East, 2000. - P.16.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000